

**Нозим МУМИНОВ, и.ф.н., профессор,
“ALFRA GANUS” университета,
Фарход ХАЛМАТЖОНОВ, ўқитувчи,
Азамат КАДЫРОВ, талиба,
Ўзбекистон миллий университети**

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАВСУМ ВА ИҚЛИМ ОМИЛЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Туризм соҳасини жадал ривожланиши ва иқтисодиётда унинг аҳамиятини ортиб бориши Ўзбекистан Республикаси Тараққиёт стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Охирги йилларда туризм миллий иқтисодиётнинг “ўсиш нуқта”ларидан бирига айланди, у ўзаро боглиқ тармоқларни ривожлантириш драйверига айланиб даромадларни ўсишини рағбатлантиради ва юқори мультипликатив самарага эгадир.

Адабиётлар шарҳи. Тўраев Б.Х.³⁷, Сафаров Б.Ш.³⁸, Муминова Н.Г.³⁹ларнинг тадқиқотларида туризмни ривожланишининг назарий ва методологик асослари, ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ёритиб берилган. Экологик туризмнинг ривожланиш хусусиятлари эса Эндрю Холден⁴⁰, Ҳошимов М.⁴¹, Тухлиев Н., Абдуллаева Т.⁴², Холматжонов Б.М., Петров Ю.В.⁴³ тадқиқотларида чуқур таҳлил этиб чиқилган. Туристик маҳсулотларни шакллантириш ва сотиш масалаларини тадқиқ этиш билан Дурович А.П.⁴⁴, Христов Т.Т.⁴⁵, Федцов В.Г.⁴⁶, В.В. Дудникова⁴⁷, Волошинова М.В., Загорская В.В.⁴⁸, Усмонова Д.К.⁴⁹, Эгамбердиев Ф., Махмудов М.⁵⁰ ва бошқа олимлар

³⁷ Тўраев Б.Х. Теоретико-методологические основы развития туризма. -Т.: изд. «Фан», 2008. - 166 с.

³⁸ Сафаров Б.Ш. Совершенствование методологическо-методических основ инновационного развития национального рынка туристических услуг. Докторская диссертация. СамИСИ, 2015.-254 с.

³⁹ Muminov N. Systematization of Factors Affecting the Development of Tourism. “Учинчи ренессансни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: «Ihn- Ziyo-Zakovat» нашриёти, 2022. - Б.393-395.; Муминов Н.Г. Перспективы развития государственного управления в сфере туризма в Узбекистане // Экономика и финансы (Узбекистан), 2022 г, №5, С.2-10.

⁴¹ Andrew Holden. «Environment and Tourism», 3-d edition published 2016,271 p.

⁴¹ Ҳошимов М. Узбекистан экологик туризми. Монография. Самарканд, “Зарафшон” нашриёти ДК, 2009. - 220 б.

⁴² Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. -Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. - 416 с.

⁴³ Khohnatjanov B.M., Petrov Yu.V., Abdikulov F.I., Abdikulova M.R., Saypiddinov Z.F., Makhmudov M.M., Khahnatjanov F.M., Safarov F.B. Bioclimatic Resources and Their Consideration for Tourism Development in Selected Destinations of Uzbekistan Indonesian Journal of Law and Economics Review IJLER 7 (0). doi: 10.21070/ijler.2020.V7.481

⁴⁴ Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: учебное пособие. - СПб.: Питер, 2008. - 384 с.

⁴⁵ Христов Т.Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. - 3-е изд., испр. - М.: Издательский центр «Академия», 2007. - 288 с.

⁴⁶ Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса: учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2008. - 503 с.

⁴⁷ В.В. Лудникова. Проблемы обеспечения устойчивого развития туристских предпринимательских структур (на примере Санкт-Петербурга)// Научно-технические ведомости СПб1 ПУ. Экономические науки № 2 (168) 2013. С.55-58.

⁴⁸ Волошинова М.В., Загорская В.В.. Перспективы внедрения digital-технологий в индустрию туризма Ростовской области // Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. - №4 (96/1). Номер статьи: 96101. Дата публикации: 30.12.2021. Режим доступа: <https://sovman.ru/article/96101/>

⁴⁹ Усмонова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития.

ИҚГИСОД фан. ном. дис. Автореферати. - Самарканд, СамИСИ, 2009. - 25 б.

⁵¹ Эгамбердиев Ф., Махмудов М. Туризм ҳудудларини ташкил этиш ва уларда турпакетларни диверсификация қилиш омиллари. “Учинчи ренессансни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: «Ihn- Ziyo-Zakovat» нашриёти, 2022. - Б.395-399.; Эгамбердиев Ф.Т. Современное состояние развития туристской политики в мире // Экономика и финансы (Узбекистан), 2022 г, №6, С. 16-24.

шуғулланишади. Ушбу тадқиқотларда дунёнинг турли мамлакатларида коронавирус пандемияси шароитида туризм соҳасини фаолияти ҳам ёритилган. Туризм борасидаги материалларни таҳлили мамлакатимизда ушбу соҳани замонавий ривожланиши хусусиятларини таҳлил этишни тақазо этмоқда.

Методология. Ушбу изланишимизнинг олдига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида тадқиқот олиб боришнинг таркибий-тизимли ёндашув, таснифлаш методи, таққослама ва статистик таҳлил, индукция ва дедукция, экстраполяция, умумлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш, ҳамда эмпирик ва мантиқийлик методларидан фойдаланилди.

Туризмни ривожига кўпгина омиллар таъсир этади. Уларни орасида мавсумийлик алоҳида ўринга эга ва муҳим ўзига хос муаммо сифатида намоён бўлади.

Мавсумийлик - бу туристик оқимларни маълум жойларда қисқа муддатда концентрациялашуви хусусиятидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан мавсумийлик ўсишни пасайиш билан алмашиб турувчи талабнинг қайтарилиб турувчи тебранишини акс эттиради.

“Юқори” туристик мавсум - ёзда (июль-август) ва қишда (январ-март) ҳисобланади. Ундан ташқари мавсумлараро (апрель-июнь, сентябрь) ва “ўлик мавсум” (октябрь-декабрь) ларни ажратишади, бунда туристик оқимлар тўхтади ва талаб минимум даражага тушиб қолади.

Туризм да талабнинг мавсумийлигининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: у туризмни турлари бўйича фарқланади. Маълумот берувчи туризм рекреацион туризмга нисбатан мавсумий тебранишларга унчалик боглиқ бўлмайди. Талабга мавсумий тебранишларни кучсизлиги даволаниш ва ишбилармонлик туризмга ҳам тааллуқлидир. Турли туристик минтақалар талабга нотекис мавсумийликнинг ўзига хос шакллари эга. Шунинг учун, бир аҳоли яшаш пункти, туман, мамлакат ва дунё миқёсида туристик талаб хусусияти тўғрисида гапириш мумкин.

Талабнинг мавсумийлигига психологик характерга эга омиллар (анъаналар, тақдид қилиш, мода) ҳам таъсир этади. Туристик фаолликни ўсиши ва пасайишини кўпчилик туристларнинг консерватизми натижаси деб тушунтириш мумкин, яъни, одамлар миясига жойлашиб олган “ёз - таътил учун энг қулай вақт” аксиомаси нотўғридир.

Туристик талабнинг мавсумий тебранишлари миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Улар моддий-техника базани фаолиятсизлигига ва ижтимоий муаммоларга олиб келади. Туристик индустрия корхоналари ва уни персоналини йил давомида бор йўғи бир неча ой фаолият юритиши туристик хизматлар таннархини ошиб кетишига олиб келади. Бу хол эгилувчан нарх сиёсатини олиб бориш имкониятини пасайтиради, туристик корхоналар фаолиятини қийинлаштиради ва уларни рақобатбардошлигини пасайтиради.

Талабнинг мавсумий нотекислигини салбий натижаларини чуқур таҳлил қилиб туризмдаги мавсумий ўсиш ва пасайишларни текислаштириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чораларни қўллаш зарур. Бу мақсадда туристик ташкилотлар нархларни мавсумий дифференциациясини қўллашади (мавсум ҚИЗГИН пайтида нархларни оширишади, мавсумлараро даврда - ўртача;

“ўлик мавсум” даврида - пасайтирилган нархлар; мавсумга қараб меҳмонхонада яшаш тарифлари 50% гача фарқданиши мумкин), ҳамда мавсумийлик таъсир этмайдиган туризм турларини (ишбилармонлик, конгресс) ривожини рағбатлантиришади.

Туризм да мавсумийликни текислаштириш катта иқтисодий самара беради, у моддий-техника базани хизмат муддатини узайтиради, йил давомида персоналдан фойдаланиш даражасини оширади, туризмдан тушумларни оширади.

Туризм тармогида турисларни жойлаштириш ва овқатланиш корхоналари алоҳида ўринга эга. Меҳмонхона ва ресторан сервиси даражасига қараб минтақанинг туристик жозибадорлигини белгилаш мумкин. Туризм индустрияси, айниқса, туристларни жойлаштириш ва овқатланиш корхоналари йил давомида туристик хизматларга бўлган талабни мавсумий тебранишларига богликдир, бу эса ушбу корхоналар хизмат нархларини қимматлашишига олиб келади.

Туризмнинг асосий вазифалари:⁵¹

- иқтисодиёт, табиат ва жамият ўртасида уйғун муносабатларни ўрнатиш;
- кўплаб туристик ташкилотларни тузиш;
- мамлакатнинг рекреацион-туристик ресурсларини кўп маротаба кўпайтириш;
- атроф-муҳитни мутаносиблигини таъминловчи мезонларни мунтазам, мақсадли ва систематик ривожлантириш.

Туризмни ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар:⁵²

Биринчи омил сифатли меҳмонхона инфратузилмаси ва профессионал кадрларнинг етишмаслигидир. Кўпчилик меҳмонхона менежерлари хизматчиларни “кўча”дан олишга ва мустақил касбга ўргатишни афзал биладилар;

Иккинчи муҳим омил транспорт муаммосидир. Кўп минтақаларда талаб даражасидаги йўллар мавжуд эмас, авиақатновлар эса жуда қимматдир;

Учинчи омил - ободонлаштирилган объектларнинг камлиги. Бир қатор ҳудудларда ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқдангандир. Натижада бундай жойлар қаровсиз қолиб кетади.

Албатта, ташқи туризмни виза масаласи чегаралаб туради, лекин масала фақат визаларда эмас.

Туризмни ривожланишига об-ҳавонинг таъсири ҳам бўлади. Об-ҳавонинг инсон организмга таъсирини таърифлашда бир неча даражалар кўрсатилади. Улар: “ўта ноқулай”, “жуда ноқулай”, “ноқулай”, “қулай” ва “идеал” даражалардир. Самарқанд вилояти бўйича олиб борилган метеорологик тадқиқотларнинг⁵³ кўрсатишича ноябрь ойининг иккинчи ўнқунлигидан бошлаб март ойининг биринчи ўнқунлигигача бўлган даврда Самарқандда об-ҳавонинг совуқдигини такрорланувчанлиги 50% дан юқорини ташкил этади. Бу давр

⁵¹ Карпова Г.А. Туристские ресурсы: проблемы и перспективы. - СПб.: Нева. 2013- 138 с.

⁵² Писаревский Е.Л. Туризм. Особенности и проблемы. - М.: Инфра. 2011. - 35 с.

⁵³ АЛ 47-тур 21071175 “Биоиклимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда туризм ҳудудларида турпакетларни диверсификацияловчи ҳамда Ўзбекистан туристик салоҳиятини кўрсатувчи картографик модел ва унинг иловасини яратиш” илмий грантининг 2022 йил учуй ҳисоботи

инсон организми учуй ҳам совукдик даражасининг юқорилиги, ҳамда комфортлик кўрсаткичлари бўйича “ўта ноқулай”, “жуда ноқулай” ва “ноқулай” даражаларга мос келади. Қолган ойларда совукдикни такрорланувчанлиги паст фоизга эга бўлсада, бу шароитлар ёз ойларида комфорт шароитлари таъминланишини англатмайди. Июнь ойининг учинчи ўнқунлигидан августнинг биринчи ўн кунлигига бўлган вақт оралигида об-ҳаво comfortи нуқтаи назаридан “ноқулай” ва “жуда ноқулай” шароитлар юзага келади. Бу шароитлар ҳаво ҳароратининг юқори қийматлари билан изоҳланади. Мартнинг иккинчи ўнқунлигидан июннинг иккинчи ўнқунлигигача ҳамда августнинг иккинчи ўнқунлигидан ноябрнинг биринчи ўнқунлигигача бўлган вақт оралигида об-ҳаво comfortи нуқтаи назаридан “қулай”дан “идеал”гача бўлган шароитлар кузатилади. Самарқандда йил давомида иссиқлик даражаси юқорилиги шароитларининг такрорланувчанлиги жуда паст. Мос равишда қулайлик даражалари нуқтаи назаридан иссиқлик даражаси кўрсаткичи бўйича инсон организми учун мақбул шароитлар таъминланади. Юқорида таъкидланган ёз ойларида об-ҳаво comfortи нуқтаи назаридан “жуда ноқулай” ва “ноқулай” шароитлар юзага келсада, бу шароитлар иссиқдик даражаси юқорилиги сабаб ноқулайликларни келтириб чиқариш учун етарли бўлмайди.

Мавсумийликни трузим ривожланишга салбий таъсирини минималлаштиришнинг оддий ва самарали усулларида бири йирик туристик марказларга қисқамуддатли турларни ташкил этиш ҳисобланади. Масал ан, Самарқандга қисқа муддатли турни ташкиллаштириш қуйидаги ижобий жиҳатларга эга:

- турнинг давомийлиги - 12-16 соат;
 - турга кетадиган харажатлар минимал (транспорт харажатлари: Тошкент - Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланиш учун);
 - халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи Тошкент - Самарқанд трассаси;
 - тўхтаб ўтиш ва дам олиш учун трасса бўйида иншоотларнинг мавжудлиги;
 - Самарқанд дестинациялари билан таништирувчи гид хизматининг мавжудлиги;
 - Самарқанддаги туристик дестинацияларга бориш учун транспортнинг мавжудлиги (бу туристларни Тошкентдан олиб келган транспорт ҳам бўлиши мумкин);
 - Миллий таомлардан тушлик (эҳтимол "кечки овқат ҳам кўшилиши мумкин);
 - Самарқанднинг машҳур Сиёб бозори ва шаҳар ташқарисидаги нон бозорига бориш;
 - эсдалик ва совгалар учун сувенирлар харид қилиш.
- Қисқа муддатли туризмнинг салбий жиҳатлари:
- барча туристик дестинацияларни айланиб чиқишга вақт етмайди;
 - йўлда узоқ вақт ўтириб кетиш (7-8 соат) ва туристик дестинацияларни пиёда айланиб чиқиш (5-8 соат) баъзи туристлар учун огир бўлиши мумкин.

Хулоса. Юқорида тақдим этилган таҳлилий ва изланиш материалларидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: туризмга у ёки бу жиҳатдан таъсир кўрсатувчи ҳар бир омил ўзига хос равишда энг асосий омил ҳисобланади, яъни иккиламчи омиллар мавжуд эмас; туризмни ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳар бир омил ижобий ва салбий натижаларга олиб келиши мумкин; мавсумийлик омили догматик характерга эга, ва уни аста секинлик билан ижобий жиҳатларини кўпайтириб бориш зарур, яъни туризмни турли турлари учун ҳар қандай мавсумдан унумли фойдаланиш мумкин; биз таклиф қилаётган Тошкент-Самарқанд-Тошкент қисқа муддатли туризми туристни комфорт ҳолатидан чиқишига ва об-ҳавонинг салбий таъсирига дуч келишига имконият (вақт) бермайди ва туризм бўйича режаларни ўзгаришига олиб келмайди.

***HAMROYEVH.R., if n., professor,
Buxoro davlat universiteti***

BUXORODA ZIYORAT TURIZMINIRIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

“Biz keng ko‘lamli demokratik o‘zgarishlar, jumladan, ta’lim islohotlari orqali O‘zbekistonda yangi “Uyg‘onish davri”, ya’ni “Uchinchi Renessans” poydevorini yaratishni o‘zimizga asosiy maqsad qilib belgiladik. Bu haqda gapirar ekanmiz, awalo, uchinchi Renessansning mazmun-mohiyatini har birimiz, butun jamiyatimiz chuqur anglab olishi kerak.”, degan edi prezidentimiz Sh.Mirziyoyev⁵⁴. Bu bizlarga nafaqat uchinchi, balki oldingi ikki renessansni ham chuqur ohganish vazifasini qo‘yadi. Buxoro shahri esa oldingi ikki renessansning xuddi shunday yirik o‘choqlaridan biri bo‘lgan. U uchinchi renessansga xizmat qilishi uchun ham oldingilarining tajribalaridan saboq olishimiz, chuqur ohganishimiz zarur, deb o‘ylayman.

Buxoro ziyorat turizmini rivojlantirishda juda katta imkoniyatlarga ega ekanligini yaxshi bilamiz. Buxoroning ziyorat turizmi potensialini tikiash va rivojlantirishning qirralari ham juda ko‘p. Hozirgi paytda asosan, uning bir qirrasini bo‘lgan, shaharda emas, balki viloyat territoriyasida joylashgan “Yetti pir”ni rivojlantirishgagina katta e’tibor berilyapti, xolos. Shahar esa aksincha ziyorat turizmi obyekti sifatida kamroq e’tibor berilmoqda. Ammo, tarixdan bilamizki, Buxoro bekorga “Qubbatil islom din hast” deyilmagan⁵⁵.

Biz shahami ziyorat turizmining muhim markaziga aylantirishga asos bo‘la oladigan ayrim joylar va ular bilan bog‘liq shaxslarga to‘xtalib o‘tmoqchimiz.

Albatta, avalom-bor, birinchi navbatda, “Yetti pir” ziyoratgohi haqida

⁵⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19-maydagi “2017-2019-yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyati turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-2980-sonli qarori.

⁵⁵ Бухорий Садриддин Салим. Бахоуддин Накшбанд ёки етти пир. - Т.: Янги аср авлоди, 2006. / б.Наврозова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. - Т.: Мухаррир.2018.